


Розияхон Холхўжаева



*Ҳадислар ҳикмати*



## НАЗМИЙ ҲАДИСЛАР

Шоира қизимиз Розияхон Холхўжаева яхши ният билан пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари асосида ёзилган янги ижодий тўплам тайёрлади. Таълимий-ахлоқий руҳга йўғрилган тўртлик,(рубойи)ларни ўқиган китобхонларнинг муқаддас ислом динимизга эътиқоди янада ортишига ишончимиз комил. Китобдан жой олган назмий парчалар шеър шайдолари қалбини иймонга бойитади. Китобдаги шеърлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларининг назмий ифодасидан иборат бўлганлиги билан ҳам алоҳидалик кашф этиб турибди. Ишончимиз комилики, шоира ўз қаламидан таралган исломий нур орқали китобхон қалбини иймон нурлари билан мунаввар этади.

### ҚУРБОН ЖЎРА,

Қирғизистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
вилоят «Чашма» адабий уюшмаси бошлиғи.

### Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи ила!

#### Муқаддима

Ушбу китобдаги шеърларни ёзиш мақсадида узоқ йиллар қалбан азобландим, чунки мен пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳадисларини ўқиб, ҳайратдан тўлиб-тошиб йиғладим . . . .

Ҳадисларда инсон тарбияси учун бетакрор улуглик, буюклик ибратлари борки, уларсиз бугунги кун ёшларини тарбиялаб бўлмайди! Жумладан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом ўз ҳадисларида ер юзидаги жамики инсонларни аъло даражадаги хулқларга: Ватанини, халқини, элини севишга, устозини, ота-онасини, ёру дўстларини ҳурмат қилишга, ўзидан кичикларни иззат қилишга, нафсни тийишга, золим бўлмасликка, қарздорлик, қўшничилик, илм берувчи, шукур қилиш, мол-дунё, савобли ишлар, инсонга озор бермаслик, кечиримли бўлиш, меҳмондўстлик, беморни кўриш, тежамкорлик, сахийлик, муҳтожлар, мардлик, зиёфат, ёмон хулқ ва дангасалик, ҳалоллик ва ростгўйлик, ҳовли сотиш, миллатчи, ҳасад қилиш, тилни тийиш, бевага ёрдам бериш, савдо-сотиқ, қўрқоқлик, мардлик, ёмонлик, ҳақ сўз, камтарлик, яхшилик ҳақида фикр юритиб, инсонларни ҳақиқий баркамол инсон бўлишга чақиради ва инсонпарварлик руҳида тарбиялайди. Ҳадисларни ўқиган инсон ҳеч қачон Ватан хоини бўлмайди... Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳадисларидан илҳомланиб, азиз китобхонлар, сизларга кичик шеърый гулдаста ҳадя этилган. Оллоҳдан мадад сўраб китобимни бошлайман.

## Ҳадис сеҳри

Бисмиллоҳ деб қўлга қалам олдим,  
Ҳадислар ўқиб мен, ўйга толдим.  
Гавҳару дурларга ҳадис тўлган,  
Қалбимни бутунлай сеҳрлаб бўлган.

Ҳадисни ўқибон йиғладим бот,  
Ҳадиснинг ҳар сўзин этмоқлик ёд,  
Бизларга бурч экан, билдим дилдан,  
Такрорлаб ўқимоқ фарздор тилдан.

Ҳадисни ўқиган мурод етар,  
Баркамол инсонни тарбия етар!  
Ҳадиски, Ватанга, халққа туйғу,  
Қалбингда уйғотар, қолмас қайғу!

Ё раббим, қайдадир ростлик бунча,  
Ҳар қалбни забт етар, меҳрлаб шунча.  
Ҳадиски, ишқимни меҳрлаб олдинг,  
Ҳадиски, қалбимда мангу қолдинг!

Оллоҳнинг номила бошлаб китоб,  
Ҳадисдан сизларга қилай хитоб,  
Фикрингиз жам этиб, тингланг шу тоб,  
Ҳадиски, дилларга мадад бергай!

Йилларки ҳаловат топмай қолдим,  
Ҳадислар ишқида ўйга толдим,  
Оллоҳ нур берган кун, шеърга солдим,  
Тинглангиз бандалар, Ҳадис сеҳрин!

## Ҳадислар

Бировнинг ерини зулм-ла олма,  
Мўминнинг қалбига озор солма,  
Тангрининг ғазаби ичра қолма,  
Охират кунингни ўйла, банда!

\* \* \*

Учрашган чоғингда салом айтгин,  
Манманлик қилишдан доим қайтгин.  
Мусулмон бандалар манман демас,  
Ёмонлик ҳеч қачон қўлдан келмас.

\* \* \*

Қайсидир банданинг қарзи бўлса,  
Қарзини тўлашлик истак тўлса,  
Шу йўлда самондек ранги сўлса,  
Тангрики, ёрдамин унга бергай.  
\* \* \*

Қалбимиз Тангрининг қўлидадир,  
Ўнг-у сўл қилишлик йўлидадир,  
Истаса сахро-ю кўлидадир,  
Имон бер, мадад бер, эй, Тангрим!  
\* \* \*

Қориндан ёмонроқ идиш йўқдир,  
Шул сабаб нафсимиз мисли ўқдир,  
Яхшилар нафсини тийиб тўқдир,  
Эй, Тангрим, сақлагин нафс балодан!  
\* \* \*

Дунёда одобдан буюги йўқ,  
Билсангки ахлоқдан улуғи йўқ,  
Ахлоку одобдан суюги йўқ,  
Эй, Тангрим, фарзандга хулқ, одоб бер!  
\* \* \*

Яхши ваъз насиҳат қилса олим,  
Аммо лек ҳар ишда бўлса золим,  
Ва қалбни озорлаб тилса олим,  
Бундайин олимдан сақла, Тангрим!  
\* \* \*

Ўрганиб, интилиб эрта-ю кеч,  
Билимдон билмини бермаса ҳеч,  
Билмини қабрдайин сақласа умр,  
Қалбининг тубида бўлар кўмир.  
\* \* \*

Яхшилар эл-юртнинг кўрки бўлса,  
Диллари шодликка доим тўлса,  
Аммо лек эл-юртда ҳаё сўлса,  
Демакки бу юртда имон йўқдир.  
\* \* \*

Фарзандга қўшилиб дард яралар,  
Минг касал азоби, дард таралар.  
Агар у касалдан халос топса,  
Қарилик ва сочга оқ саралар.  
\* \* \*

Нафсимиз бизларни ўтга ташлаб,  
Одамий қалбимиз доим ғашлаб,  
Шайтонлар кетидан йўлга бошлаб,  
Томоша қилмагин, иблис, сен нафс!

Фойдали илмларни берган одам,  
Илмини улашса ҳар вақт қадам.  
Ҳаттоки денгизда балиқ йиғлаб:  
«Гуноҳин кечиргин», - дермиш тиглаб.

\* \* \*

Бандага ярашар шукур қилмоқ,  
Ноз-неъмат берганни дилдан билмоқ,  
Нонкўрлик қилибон қалбни тилмоқ,  
Ярашмас билсангиз мусулмонга!

\* \* \*

Яхшига мол-дунё рўё бўлса,  
Омбори насиба ризққа тўлса,  
Муҳтожлик, ғариблик буткул сўлса,  
Тангрига минг бора шукур қилсин!

\* \* \*

Кимлардир мўминга озор берса,  
Ўлмаин қабрига гиштлар терса,  
Менсимай ғазаблаб қошин керса,  
Тангрининг лаънати ичра қолар!

\* \* \*

Фарзандки, отасин севса дилдан,  
Ўлса ҳам номини айтиб тилдан,  
Отасин дўсти-ла нафас олса,  
Билгинки, у фарзанд! Қалбдан толса!

\* \* \*

Иложсиз бировдан ким қарз олса,  
Қарзини тўлашда мақсад қолса,  
Унгаким Оллоҳим ёрдам берар,  
Ва ризқу барака ердан терар!

\* \* \*

Бандаки ноҳақ йўл доим тутса,  
Ҳар ишдан бетакрор фойда кутса,  
Кимлардир бу ишдан қонлар ютса,  
Билгин, у инсоннинг дўзах жойи.

\* \* \*

Муҳтожлар тўқлардан паноҳ сўрса,  
Зўпидин кимсадан зиён кўрса,  
Бугдой деб ул ердан кўкат ўрса,  
Мурувват кўрсатинг, эй, сиз, инсон!

\* \* \*

Зиёфатга чақирса кимки билинг,  
Яхшилик, саҳоват сиз ҳам қилинг.  
Эзгулик сўзларин қулоқ илинг,  
Шунда сиз баркамол, олий инсон!

\* \* \*

Кимнидир амалга сайлаб қўйсақ,  
Ризқимиз кесгандан роса тўйсақ,  
Озорлаб қалбимиз дилдан ўйсақ,  
Демаки, ул кимса, хиёнаткор!

\* \* \*

Кимда-ким, дўстини севса дилдан,  
Яхшилик, эзгулик қилса тилдан.  
Бу дўстлик тилларда мангу қолар,  
Авлодлар дўстликдан ибрат олар!

\* \* \*

Мўминнинг айбини яшир банда,  
Гуноҳин кечириб, қилсанг канда,  
Савобга қолурсан, яшаб анда,  
Савобга не етсин, азиз инсон!

\* \* \*

Ёмондир тешиқдан қараб туриш,  
Берухсат эшиқдан қараб туриш,  
Сурамай ҳовлига қараб юриш,  
Гуноҳдир инсонлар, гуноҳ билинг!

\* \* \*

Қарздорни қарзидан озод қилса  
Эзгуликни доимо қарз деб билса,  
Фозиллар сўзига қулоқ илса,  
Билингки, савобдир, катта савоб!

\* \* \*

Дўстингнинг узрини қабул этгин,  
Дўстингга яхшилик билан етгин,  
Ҳар қадам диёнат билан кетгин,  
Шундайин, азиз бўл, инсон бўлгин!

\* \* \*

Саримсоқ едингми, ўйлаб егин,  
Хом пиёз едингми, ўйлаб келгин,  
Ҳидлари кетдими, кейин келгин,  
Билгинки, сассиқ ҳид кимга ёқар!

\* \* \*

Ҳалол касб бандага роҳат берар,  
Ҳамиша боғларда ризқин терар,  
Яшашдан минг рози қошин керар,  
Ҳалоллик барчага насиб этсин!

\* \* \*

Қўлларинг тозами ухла шунда,  
Қолган ёғ қолдигин ювгин кунда,  
Ювиқсиз қўл билан ётма тунда,  
Билгинки, тозалик-соғлик, бойлик!

\* \* \*

Ноўрин ҳовлини сотма банда,  
Барака йўқолса, қотма банда,  
Ҳар кимга тошингни отма банда,  
Ҳовлини сотдингми, ҳовли олгин!

\* \* \*

Биринчи саломнинг хислати бор,  
Манманлик қилганнинг кўнглидир тор,  
Мусулмон манмандан қилади ор,  
Шунинг-чун дунёда яхшилар бор!

\* \* \*

Ота-ю онангни рози қилгин,  
Уларнинг ҳар сўзин ҳукм деб билгин,  
Ҳар сўзин «олтин» деб, қулоқ илгин,  
Шундаки, зиёда умринг бўлгай!

\* \* \*

Миллатчи банданинг бағрини тил,  
Ҳар миллат Оллоҳнинг бандаси бил,  
Шунинг-чун ҳар кимга яхшилик қил,  
Эзгулик байроғи мангудир бил!

\* \* \*

На сеҳру, на жоду дема банда,  
Оллоҳим дейишдан қилма қанда,  
Кўргувчи, билгувчи Тангрим анда,  
Ҳар нега қодирдир, ёлғиз Тангрим!

\* \* \*

Ҳар инсон доимо камтар бўлса,  
Маънавий олами дурга тўлса,  
Обрўси зиёда кунда бўлур,  
Уйлари эзгулик нурга тўлур!

\* \* \*

Ҳар қандай ишларни ўйлаб қилгин,  
Яхшилик, эзгулик мангу билгин,  
Тухмат-у гийбатни бағрин тилгин,  
Шунда сен мангусан, олий инсон!

\* \* \*

Бировни камситиб, хўрлаб зинҳор,  
Қалбини озорлаб йиғлатма зор,  
Лақаблар тўқима, қилмагин хор,  
Усиз ҳам гуноҳинг кўпдир банда!

\* \* \*

Ўз жаҳлу ғазабдан қайтар банда,  
Адолат, ростликни айтар банда,  
Тангрининг раҳмига дучор бўлар,  
Йўллари ҳамиша нурга тўлар!

\* \* \*

Раҳмдил-у меҳрибон бўлган банда,  
Қалби дур-гавҳарга тўлган банда,  
У дунё, бу дунё обод бўлгай,  
Эзгулик олами нурга тўлгай!

\* \* \*

Сув тошса, ўт кетса олдини ол,  
Ҳурматлаб, эъозлаб яшаган ҳол,  
Нурафшон уйларда ҳамиша қол,  
Қадрлисан шунда сен, улуғ инсон!

\* \* \*

«Кофирсан» демагин бировга зинҳор,  
Гуноҳга ботибон бўлмагин хор,  
Бу сўзни айтишдан қилгин сен ор,  
Дунёлар кўзингга бўлмасин тор!

\* \* \*

Гуноҳин бўйнига олмоқ мардлик,  
Азоблаб қалбини толмоқ мардлик,  
Кечирим сўрабон қолмоқ мардлик,  
Тангри ҳам кечирар, ўз бандасин!

\* \* \*

Қизғанма, илмингни сен, эй, олим,  
Илмини қизғанган бўлар золим.  
Қалбингда тошяпти илмлар лим-лим,  
Наҳотки, кўмгансан қабрга уни!

\* \* \*

Одамлар сирларин билиб олиб,  
Доимо юзига сирин солиб,  
Азоблаб яшарсан, қўрқмай толиб,  
Жаҳаннам ўтида қуйиб, ёниб!

\* \* \*

Наслинг ҳам, аслинг ҳам пок эмасдир,  
Шунинг-чун яхшилар ҳеч келмасдир,  
Баҳорий шамол ҳам оҳ елмасдир,  
Чунки сен шайтоннинг ошнасисан!

\* \* \*

Қўрқоқлар доимо мушт кўтарар,  
Дўстининг бошига фишт кўтарар,  
Қўрқоқлар қўрқувдан ерга қулар,  
Шундайин қўрқувда яшар улар!

\* \* \*

Гуноҳга, айб ишга бошлаб нечун?  
Томоша қиларсан, чиқармай ун!  
Режалар тузарсан, ухламай тун,  
Бўлурсан, шармисор билгин бир кун!

\* \* \*

Фарзандлар ўстирган ота-она,  
Вояга етказса, қилиб одам!  
Адолат йўлида ташлаб қадам,  
Яшаса улугдир, улар ҳар дам!

\* \* \*

Хиёнат қилувчи исломда йўқ,  
Диёнат қилувчи кўнглидир тўқ,  
Ватанни парчалар хиёнат ўқ,  
Хиёнат қилгандан сақла, Танграм!

\* \* \*

Гайридин кишини ўлдирмагин!  
Богида гулларни сўлдирмагин!  
Сувларин қонларга тўлдирмагин!  
Усиз ҳам гуноҳинг кўпдир банда!

\* \* \*

Кимсага яхшилик раво кўрса,  
Илму дур, гавҳарга уни ўрса,  
Марҳамат қилибди Танграм унга,  
Илҳомлаб илмларни берди шунга!

\* \* \*

Мўминлар мўминнинг дўсти билгин,  
Шунинг-чун мўминни ошна қилгин,  
Гийбату фасоднинг қалбин тилгин,  
Билгинки, мўминлар ҳақгўй инсон!

\* \* \*

Яхшилар яхшини дўстим дейди,  
Топганин ўртада бирга ейди,  
Гийбату фасодни улар билмас,  
Бировга ёмонлик асло қилмас!

\* \* \*

Мўминлар ғайратли кучли бўлар,  
Шунинг-чун шижоат кунда тўлар,  
Ёвузлар қўрқишиб, хуркиб ўлар,  
Тилагим, мўминга ошна бўлгин!

\* \* \*

Яхшилар соддадил, сахий бўлар,  
Уйлари ҳамиша нурга тўлар!  
Ёмонлар ҳийлакор, маккор бўлгай,  
Бахиллик кетидан бахил ўлгай!

\* \* \*

Ҳақиқий мўминнинг қўли гулдир!  
Ҳақиқий мўминнинг йўли гулдир!  
Ҳақиқий мўминнинг тили савоб!  
Ҳақиқий мўминнинг дили савоб!

\* \* \*

Мусулмон ҳар кимга бермас озор,  
Озорлаб, қақшатиб йиғлатмас зор,  
Ёвузлик, зулматдан қилади ор,  
Шунинг-чун доимо юзи ёруғ!

\* \* \*

Мўминлар мўминни кўриб қолса,  
Камчилик нуқсонин билиб олса,  
Нуқсонин тузатиб чарчаб толса,  
Билгинки, бу инсон, улуғ инсон!

\* \* \*

Мусулмон ҳаммаси дўсту ҳамдам,  
Хиёнат қилмайди ҳеч бир қадам,  
Мушкуллик кунингда пайдо шу дам,  
Шундайин мусулмон бўлсин омон!

\* \* \*

Шартнома туздингми, амал қилгин,  
Вазифа қилишни одат билгин!  
Ваъданинг устидан мардлар чиқар,  
Қўрқоғу зулматни доим йиқар!

\* \* \*

Кимлардир йиқилса, кулма зинҳор,  
Шу кунлар бошинга тушар кун бор,  
Ўша кун кенг дунё бўлади тор,  
Шунинг-чун бировга кулма зинҳор!

\* \* \*

Дунёда билгинки, ёмон-ёмон,  
Ёвузлик шамоли елган томон,  
Ҳақорат қилмагин, бўлгин омон,  
Яшайлик десангки, сен бул замон!

\* \* \*

Бировнинг молини ноҳақ олма,  
«Ўғри» деб аталмиш сўзга қолма,  
Бу сўздан сен қочиб қанча толма,  
«Ўғри» деб аталмиш тамға олдинг!

\* \* \*

Бировнинг боласин боққан инсон,  
Тарбия берсаки унга ҳар он,  
Қўлида бўлсаки илму Қуръон,  
Билгинки, бу ишлар савоб-савоб!

\* \* \*

Гувоҳлик беришдан қўрққан одам,  
Қийналиб яшайди билсанг ҳар дам,  
Ортдан қувлайди «Виждон» қадам,  
Изма-из юради қувлаб «Азоб».

\* \* \*

Раҳм-шафқат қилишни ўрган одам,  
Яхшилик қилишни билгин ҳар дам,  
Эзгулик сен билан ташлар қадам,  
Унутма, сен буни азиз инсон!

\* \* \*

Ёмонлик ёмондир билсанг ҳар дам,  
Билсангиз ёмонлик ҳа бир қадам,  
Қилмайди ёмонлик яхши одам,  
Яшайлик эзгулик ичра биз ҳам!

\* \* \*

Бировга ёмонлик қилма зинҳор,  
Ёмонлик кетидан бўлурсан хор,  
Бўлурсан шунда сен дўстларингга зор,  
Шунинг-чун ёмондан қилгин сен ор!

\* \* \*

Бир инсон ўлдими, дод солмагин,  
Кийиминг йиртибла сен толмагин,  
Юз, сочинг юлкибла сен қолмагин,  
Билгинки, гуноҳдир, гуноҳ-гуноҳ!

\* \* \*

Отадан яхшилик мерос қолар,  
Отадан фарзанди ўрناق олар,  
Доимо эзгулик қалбга солар,  
Шундайин отага раҳмат бўлсин!

\* \* \*

Дўстингга қилмагин сен хиёнат,  
Дунёда ҳар кимга қил диёнат!  
Хиёнат юзингни қора қилар,  
Диёнат абадий савоб тилар!

\* \* \*

Қамчинг от устидан тушиб кетса,  
Ҳар ишга қувватинг агар етса,  
Ишларинг кўплиги ташвиш этса,  
Барибир ҳар ишни ўзинг қилгин!

\* \* \*

Киргизманг саломи йўқни уйга,  
Таклиф ҳам қилмангиз уни тўйга,  
У сизни солади ташвиш ўйга,  
Яхсиси ундайга улфат бўлманг!

\* \* \*

Биродар азизинг касал бўлса,  
Сўзлари гавҳару асал бўлса,  
Сен ундан хабар ол, чунки дўстинг,  
Энг оғир кунингда сенинг пўстинг!

\* \* \*

Бировнинг устидан кулма зинҳор,  
Оллоҳнинг қаҳридан бўлмагин хор,  
У дунёнг, бу дунёнг бўлмасин тор,  
Десангки, яшагин, кулмай зинҳор!

\* \* \*

Бўш ерни ўзингга мулк деб билма,  
Чегара қилиб сен бағрим тилма,  
Ёвузлар сўзини қулоқ илма,  
Бизники ер эмас, биз ерники!

\* \* \*

Бировга етказма зарар ҳар дам,  
Гуноҳлар ёзилар ҳар бир қадам,  
Яхшилик ҳам қилгин, эй сен одам,  
Дунёда эзгулик яхши билгин!

\* \* \*

Аразлаб юришлик исломда йўқ,  
Уч кундан ошдими гуноҳли ўқ,  
Аразлаб юрмагин гуноҳ бўлар,  
Савобинг ювилиб, гуноҳ тўлар!

\* \* \*

Ноўрин сўзламай саломат юр,  
Кўп ўйлаб, оз сўзлаб доимо тур,  
Донолар билан сен суҳбатлар қур,  
Шундаки, сенга кўп савоб бўлар!

\* \* \*

Энг оғир кунингда келмаса ҳам,  
Ортингдан турса ҳам кулиб бардам,  
Шайтонга бўлса ҳам доим ҳамдам,  
Ёмонлик қилмагин, қилма зинҳор!

\* \* \*

Ғарибу бевадан хабар олсанг,  
Мурувват қилишни қалбга солсанг,  
Савобли ишларда чарчаб толсанг,  
Оллоҳнинг раҳмати сенга бўлгай!

\* \* \*

Беморнинг хабарин олиб туринг,  
Очларга овқатни бериб юринг,  
Кексалар билан сиз суҳбат қуринг,  
Сахийлик билсангиз савоб ишдир!

\* \* \*

Саломлаш биринчи инсон бўлиб,  
Чақирса боргин сен қувонч тўлиб,  
Маслаҳат сўраса, айтгин сўзинг,  
Касални биринчи кўргин ўзинг!

\* \* \*

Беморни излабон юрса чўлда,  
Беморни кўриш-чун бўлса кўлда,  
Демакки, у юрар жаннат боғда,  
Лолалар очилган жаннат тоғда!

\* \* \*

Ташвишдан бировни халос этсанг,  
Фарибга ёрдаминг бериб кетсанг,  
Яхшилар изидан мурод етсанг,  
Билгинки, сен савоб ишлар қилдинг!

\* \* \*

Кўл бериб кўришган савоб бўлади,  
Билсангки, уйлар ҳам нурга тўлади.  
Ажралмай турибоқ гуноҳ иши,  
Тўкилур, хурсанддир ҳар бир киши!

\* \* \*

Кўчада ўтириб гийбат қилманг,  
Йўловчи кишининг қалбин тилманг,  
Томоша қилиб сиз назар илманг,  
Усиз ҳам гуноҳинг кўпдир, банда!

\* \* \*

Кўчадан ўтолмай қизлар йиғлар,  
Уялиб у сиздан қалбин тиглар! Кўчада  
эркаклар кўп ўтирманг,  
Қизларни пичоқсиз, сиз ўлдирманг!

\* \* \*

Зиёфат қилдингми ҳамма бўлсин,  
Бойлару камбағал уйга тўлсин!  
Ҳеч кимнинг қалбига озор берма,  
Зиёфат қилдим деб қошинг керма!

\* \* \*

Айтилган жойлардан қолманг зинҳор,  
Айтмади бормагин, қилгин сен ор!  
Ҳар ерда обрўинг билиб юргин,  
Мурувват ишида тайёр тургин!

\* \* \*

Билгинки, дунёда ҳасад ёмон,  
Инсонни азоблаб қўймас омон,  
Юракка санчилар мисли камон,  
Ҳасаддан сақлангин, азиз инсон!

\* \* \*

Оллоҳнинг лаънатин тилаб сўкма,  
Дузахни тилаб сен обрў тўкма,  
Ҳазабинг келса ҳам, ўзингни бос,  
Тилингни тийиб сен, сўзингни бос!

\* \* \*

Дўстинга дўстлигинг айтиб тургин,  
Садоқат, вафоинг айтиб юргин,  
Яхшилик ичра сен суҳбат қургин,  
Дўстлигинг мустақкам бўлсин десанг!

\* \* \*

Ҳар кимни яхшилик сари бошла,  
Эзгулик йўл томон қадам ташла!  
Ортингдан эргашса, билгин савоб,  
Гуноҳнинг қалбини қилдинг кадоб.

\* \* \*

Ёшлиқда ҳар қанча билим олгин,  
Ўқиб сен, ўрганиб илмдан толгин,  
Гавҳару дур ичра мангу қолгин,  
Билгинки, тош нақшдай мангу билим!

\* \* \*

Мўминлар ҳеч кимга таъна қилмас,  
Лаънатлаб кишининг қалбин тилмас,  
Ҳаёсиз сўзларни тилга илмас,  
Мўминлар савобли ишлар қилар!

\* \* \*

Қариндош-уруғинг эъзозлаб юр,  
Қўшнилар ҳолини сўраб ҳам тур,  
Иккисин ҳурматлаб суҳбатлар қур,  
Ўшанда савобинг ошади бил!

\* \* \*

Одамлар юзига урманг зинҳор,  
Юзига қаролмай қиласиз ор,  
Дўстга ҳам, душманга бўласиз зор,  
Яхшиси ҳеч кимга озор берманг!

\* \* \*

Тангрининг наздида рост гап-ҳақдир!  
Яхши гап-рост гапдир, улкан тоғдир!  
Яхши гап, рост гаплар чексиз боғдир!  
Савобли ишларнинг боши-ростлик!

\* \* \*

Ҳақ сўзни айтишдан қўрқма инсон,  
Ёлғоннинг қисқадир умри шу он,  
Шунинг-чун сўзлама ёлғон зинҳор,  
Ёлғоннинг кетидан бўласан хор!

\* \* \*

Дўстингни енгилроқ севишни бил,  
Душманга енгилроқ адоват қил,  
Кулмасдан бу гапни назарга ил,  
Ким билар эртага нелар бўлар!

\* \* \*

Либосни чиройли кийгин дўстим,  
Нафсингни ҳар ерда тийгин дўстим.  
Яхшилик хулқи-ла намуна бўл!  
Эзгулик қилиб сен, қувватга тўл!

\* \* \*

Ҳўкиздай семирма қорин солиб,  
Йўлингда қолмагин тезда толиб,  
Бировни қўрқитма юрак олиб,  
Семизлик ҳайвонга хосдир фақат!

\* \* \*

Серуйқу бўлмагин, умринг ўтар,  
Қанчалик ишларинг қолиб кетар,  
Шунча кўп ухладинг, энди етар,  
Ҳар вақтни кетказма «олтин» деб бил!

\* \* \*

Дангаса инсондан ҳамма безор,  
Ўзини кўрганда қиларлар ор,  
Ундайлар ҳамиша бўларлар хор,  
Бир бурда нонга ҳам бўларлар зор!

\* \* \*

Дангаса бирингни икки қилмас,  
Дўстим деб сўзингни назар илмас,  
Ҳар ишни буюрсанг, асло билмас,  
Шунинг-чун ишонма, дангасаларга!

\* \* \*

Ганиминг томондан биров келса,  
Омонлик сўраб ул сенга елса,  
Сен уни ўлдирма, омон қолдир,  
Дўстликнинг риштасин қалбга солдир!

\* \* \*

Савобли иш қилсанг, хурсанд бўлгин,  
Гуноҳли иш қилсанг, минг бор сўлгин,  
Эзгулик, туйғуга доим тўлгин,  
Шунда сен ҳақиқий мўминдирсан!

\* \* \*

Эй мўмин, дўстингга пичоқ урма,  
Қийналиб йиғласа, қараб турма,  
Мусибат кунида лабинг бурма,  
Чунки дўст энг оғир кунда ярар!

\* \* \*

Гуноҳли иш қилиб қўйдинг банда,  
Яхшилар қалбини сўйдинг банда,  
Эзгулик кўзини ўйдинг банда,  
Бунчалар гуноҳинг кўпдир банда!

\* \* \*

Савобли иш қилиб, тулинг банда,  
Савобли йўллардан юлинг банда,  
Эл учун бинолар қулинг банда,  
Билгинки, савобнинг умри узун!

\* \* \*

Жаҳлингиз чиқдими сукут қилинг,  
Ғазабнинг қалбини дарҳол тилинг,  
Нафратни босишлик мардлик билинг,  
Шунинг-чун доимо сукут қилинг!

\* \* \*

Эл-юртнинг бошлиғи яхши бўлса,  
Эл учун тирилиб, минг бор ўлса,  
Мурувват ишларга доим тўлса,  
Бундайин шоҳларга жаннат бўлсин!

\* \* \*

Дунёда ҳар инсон ўлар бир кун,  
Кўзимиз тупроққа тўлар бир кун,  
Очилган гуллар ҳам сўлар бир кун,  
Ва аммо яхшилик қолар мангу!

\* \* \*

Дунёдан ўтгани ёд этинглар,  
Рухини эслаб сиз шод этинглар!  
Яхшилик ишларин ўйланг ҳар дам,  
Ғанимат билинг сиз, ҳар бир одам!

\* \* \*

Дунёдан ўтгани ёд этинглар,  
Рухини эслаб сиз шод этинглар!  
Ёмонин гапириб тилингизни,  
Оғритиб юрмангиз дилингизни!

\* \* \*

Одамлар кенг қалбли бўлинг ҳар дам,  
Шундаким яхшилар бўлар ҳамдам,  
Ўйлабон босингиз сиз ҳар қадам,  
Билингки, кенгларга кенгдир олам!

\* \* \*

Билимни ўргангин халқинг учун,  
«Мустақил давлатим бўлсин бутун»  
Деб ўрган фарзандим илмни бугун,  
Унутма, билимли хор бўлмайди!

\* \* \*

Бировнинг гийбатин қилманг ёмон,  
Бехуда қалбини тилманг, ёмон!  
Мўминнинг обрўин тўкманг, ёмон.  
Беозор инсонни сўкманг, ёмон!

\* \* \*

СУЗАК РАЙОНДУК  
КИТЕПКАНАСЫ  
АБОНЕМЕНТ

Тежамкор инсонлар қашшоқ бўлмас,  
Бошлари ғамларга сира тўлмас,  
Уйда очликдан инсон ўлмас,  
Шунинг-чун тежамкор бўлинг, инсон!

\* \* \*

Ҳаёли, иболи бўлган инсон,  
Одобу ахлоққа тўлгин инсон!  
Одамни зийнатга буркар одоб,  
Юзидан нур тарар, мисли офтоб!

\* \* \*

Меҳнат қил, боқарман бўлма зинҳор,  
Бировга оғиринг тушса, қил ор,  
Ёшликда меҳнатни қилсанг агар,  
Қариган чоғингда бўлмассан хор!

\* \* \*

Қабристон оралаб юрмагин ҳеч,  
Марҳумни депсалаб эртаю-кеч,  
Молингни, қўйингни боқма қабрда,  
Ҳалол боқ молингни, яша сабрда!

\* \* \*

Етимнинг ҳаққини еб бўлмайди,  
Зулматли уйларга нур тўлмайди,  
Қанча кўп есанг ҳам нафс ўлмайди,  
Яхшиси ёрдам бер, қақшатма ҳеч!

\* \* \*

Заифа, ожиза деб аталар,  
Кўп ишлар аёлга хўп қадалар,  
Катта-ю кичиклар, сиз оталар,  
Хиёнат этманглар, аёл ҳаққин!

\* \* \*

Бехосдан қўлингда кўчат бўлса,  
Экмоклик ниятда кўнгил тўлса,  
Кўчатни сен экиб қўйгин дарҳол,  
Эъозлаб, сув қуйиб, олиб тур ҳол!

\* \* \*

Адолат, эзгулик қилган шоҳлар,  
Ҳар икки дунёда қилмас оҳлар!  
Ҳар қадам андиша билан яшар,  
Шунинг-чун яхшилик ошин ошар!

\* \* \*

Муҳтожлик ўзингда сездингми сен,  
Қариндош-уруғни кездингми сен,  
Ўйланиб бехуда ўйда қолма,  
Яхшидан олгин-у, ўйга толма!

\* \* \*

Етимнинг кўнглини оғритма ҳеч,  
Қалбида тугилган чигалин еч,  
Ёрдамнинг бўлмайти, эртаси кеч,  
Етимга ёрдам бер, савоб бўлар!

\* \* \*

Золимга ёрдам бер, кўнглини ол,  
Уни зулм қилишдан тўхтатиб қол,  
Мазлумга ёрдам бер, тўғри йўл сол,  
Сен бирни берсанг гар, Оллоҳ мингни!

\* \* \*

Қора тан, қизил тан дема зинҳор,  
Ҳаммадан афзалман дейишдан ор,  
Қилгин сен, ўшанда бўлмассан хор,  
Билгинки, ҳар инсон-азиз улуг!

\* \* \*

Маст бўлиб юрмагин, ичма шароб,  
Юрагу бағрингни қилма каоб,  
Дўстларинг олдида бўлиб хароб,  
Кулгили аҳволга тушма зинҳор!

\* \* \*

Оллоҳдан кўрққанлар нонкўр бўлмас,  
Ватанини сотишиб, нафрат тўлмас!  
Махфий ҳам, ошкора Тангридан кўрқ,  
Билсанг гар одобдир, бандага кўрк!

\* \* \*

Отасин ўлдириш-исломда йўқ!  
Онасин сўлдириш-исломда йўқ!  
Беҳуда қон тўкиш-исломда йўқ!  
Озорлаб ҳам сўкиш-исломда йўқ!

\* \* \*

Оллоҳни севганлар юртин сотмас!  
Сотқинлик қилишиб, дўстин отмас!  
Пушаймон бўлишиб тошдай қотмас  
Яхши-ю ёмонни олдин билар!

\* \* \*

Ёмон иш қилмагин, асло қилма,  
Юзингни қоралаб бағринг тилма,  
Душманнинг сўзини назар илма,  
Ёмонлик фош бўлар, билгин тезда!

\* \* \*

Савобли иш қилсанг, ёруғ юзинг,  
Ҳар кимга ўтади тўғри сўзинг,  
Уялиб қарамас ерга кўзинг,  
Савобли иш яхши, савобли иш!

\* \* \*

Гувоҳлик бермагин, ёлгон гувоҳ,  
Кейинги пушаймон ёмондир оҳ,  
«Ёлгон» чи деган ном, билсанг ёмон,  
Виждонни қийнайди, қўймас омон!

\* \* \*

Яхшилик ишлардан қувонса дил,  
Эзгулик сўзларин айтса гар тил,  
Демакки, яхшилик эзгулик бил,  
Дунёда қоларкан, яхшилик қил!

\* \* \*

Қўшнингиз эъозлаб, ҳурмат қилинг,  
Ҳар сўзин насихат, тилло билинг,  
Гавҳардир гаплари қулоқ илинг!  
Қўшнингиз ҳар доим кўнглин олинг!

\* \* \*

Никоҳли тўйингда зиёфат бер,  
Топганинг қўйингни дўстлашиб ер!  
Дўстлар ҳам ғанимат, билсанг агар!,  
Дўстларга етмайди, тўксанг ҳам зар!

\* \* \*

Сўзингнинг устидан ўрган чиқиб,  
Ўрганма бировга кўзинг тикиб!  
Отангни, онангни қалбин сиқиб,  
Яшама, мард бўлгин, номард бўлма!

\* \* \*

Ёмондир ёмонлик, ёмон бўлма,  
Ёвузлик ичра сен, қонга тўлма,  
Жаҳаннам ўтида ёниб ўлма,  
Ҳали ҳам кеч эмас, ёмон бўлма!

\* \* \*

Хушхулқлик-инсонга битмас одоб,  
Осмонда чарақлар нурли офтоб!  
Хушхулқлик-туганмас ҳикмат китоб,  
Инсонга у бўлар-диёнат шу тоб!

\* \* \*

Мулойим инсонга жаннат бўлар,  
Ювошлар билан-чи жаннат тўлар!  
Қўполлик ичраким қалблар ўлар.  
Ҳаттоки очилган гуллар сўлар!

\* \* \*

Бировни бировга ёмон дема,  
Қалбини оғритиб, ғамин ема.  
Ҳар ишни олдиндан ўйлаб қилгин,  
Яхшилик қилишни одат билгин!

\* \* \*

Дунёда энг кучли билсанг агар,  
Ғазабдан ўзини тутса у гар!  
Демакки, ул инсон кучли ҳар дам,  
Энг оғир кунингда бўлар ҳамдам!

\* \* \*

Ёмон сўз, ёмон гап айтма зинҳор,  
Ёмон сўз инсонни қилади хор,  
Ва барча ёмондан қилади ор,  
Шунинг-чун ёмон сўз, айтма дўстим!

\* \* \*

Ўйламай иш қилиб, узринг айтма,  
Тўғрилиқ йўлидан юргин қайтма,  
Дўстингга сен зинҳор, тошлар отма,  
Бошингга тош тушса, тошдай қотма!

\* \* \*

Мўминдан орттирма фойда ёмон,  
Юракка санчилар наштар камон,  
Азобда қийналиб қолмас омон,  
Эй инсон, мўминга яхшилик қил!

\* \* \*

Онангнинг қалбига қулоқ солгин,  
Отангнинг чин ўғли бўлиб қолгин!  
Камбағал кишидан хабар олгин,  
Ташвишу ғамларга тушмай десанг!

\* \* \*

Ўғирлик нарсани сотиб олма,  
Ўғрининг сўзига қулоқ солма,  
Нафсингни ўйлаб сен айбда қолма,  
Яхшиси ўғридан узоқ бўлгин!

\* \* \*

Мўминни бўҳтонун гийбат қилманг,  
Ғуноҳсиз мўминнинг бағрин тилманг,  
Мўминнинг обрўсин дўстлар тўкманг,  
Ҳақиқат ёқасин дўстлар сўкманг!

\* \* \*

Кимлардир пушаймон узрин айтса,  
Ғуноҳли ишлардан буткул қайтса,  
Азобда қийналса кунлар-тун,  
Тангри ҳам кечирар қиёмат кун!

\* \* \*

Бировнинг мол-мулкин тортиб олма,  
Йиғлатиб қалбига алам солма,  
Кўчада мол-мулксиз, уйсиз қолса,  
Билгинки, ғуноҳкор фақат сенсан!

\* \* \*

Шайтоннинг бағрини, қалбин тилсанг,  
Қарздорнинг муддатин узоқ қилсанг,  
Фозиллар сўзига қулоқ илсанг,  
Садақа қилгандай савоб билсанг!

\* \* \*

Сотсанег гар молингни айбин айтгин,  
Шайтонга биродар бўлма қайтгин!  
Тангрининг ғазаби ичра қолма,  
Фаришта лаънати ичра толма!

\* \* \*

Қурбонлик бердингми ҳаммасин бер,  
Одамлар ҳайвоннинг гўштини ер,  
Терисин яшириб сотма зинҳор,  
Қурбонлик бўлмайди қабул бирор!

\* \* \*

Дастурхон ноз-неъмат билан тўлса,  
Дастурхон устида ушоқ бўлса,  
Ушоқни емоқлик билгин инсон,  
Гуноҳлар тўкилар, савоб ҳар он!

\* \* \*

Манманлик қилишдан ўзингни тий,  
Одийлик либосин доимо кий.  
Ўзингни тутмагин катта зинҳор,  
Сен кибру ҳавола бўласан хор

\* \* \*

Можаро чиқарма бирор уйда,  
Низо ҳам қилмагин бирор тўйда,  
Қонларга белама бирор уйда,  
Бундай иш қилганлар, мўмин эмас!

\* \* \*

Гуноҳ иш қилганни қайтар тезда,  
Гуноҳ деб айтгин сен ўша кезде.  
Агар сен айтмасанг гуноҳ ишин,  
Гуноҳга ботасан ёзин-қишин!

\* \* \*

Мўминга тўзимли хотин бўлса,  
Уйлари мухаббат, меҳрга тўлса,  
Оллоҳим мўминга раҳм этибди,  
Демак, у баҳтига тез этибди.

\* \* \*

Азобга гирифдор бўлмай десанг,  
Ташвишу ғамларга тўлмай десанг,  
Дард тўла азобда ўлмай десанг,  
Савобли иш қилгин, савобли иш!

\* \* \*

Кимлардир жанжалкаш бўлса доим,  
Нафрату ғазабга тўлса доим,  
Мурувват кўрмайин ғазабланар,  
Обрўсин йўқотиб, азобланар!

\* \* \*

Таъмагир бўлмагин, бойиш учун,  
Минг бора ўлмагин, бойиш учун,  
Ғазабга тўлмагин, бойиш учун,  
Билгинки, унда сен жаҳаннамсан!

\* \* \*

Бировга етказма зарар ҳеч ҳам,  
Ташвишлар келтирма, эрта кеч ҳам.  
Бошингга тушади оғир тунлар,  
Изтироб, машаққат қийин кунлар!

\* \* \*

Бировни ҳеч қачон ноҳақ урма,  
Бировни урса ҳам қараб турма,  
Ёмонлар билан сен суҳбат қурма,  
Яхшини дўст қилсанг, савоб бўлар!

\* \* \*

Қарвосиз одамга бергин ёрдам,  
Кеча-ю кундузи бўлгин ҳамдам,  
Ёрдаминг аямай берсанг ҳар дам,  
Гуноҳинг тўкилиб кетади ғам!

\* \* \*

Кўзлари ожизни етаклаб юр,  
Кўнглини олиб сен суҳбатлар қур,  
Ҳар ишда доимо тайёр сен тур,  
Жаннатга кирасан ўшанда сен!

\* \* \*

Охират кунингни ўйласанг гар,  
Яхшилик сўзларин сўзласанг гар,  
Эзгулик томонга бўйласанг гар,  
Қўшнингга яхшилик қилгин инсон!

\* \* \*

Мўминга изтироб қилма зинҳор,  
Кўнглини қўрқинчаб тилма зинҳор,  
Ёмонлик қилишни билма зинҳор,  
Охират кунингни ўйласанг гар!

\* \* \*

Ношукур бўлмагин, ёмондир бил,  
Ношукур бўлганинг қалбини тил,  
Шукурлар келтириб, яхшилик қил,  
Шукурлар келтирсанг, савобдир бил!

\* \* \*

Золимга дўстлашиб ёрдам бериб,  
Золимдан фахрланиб қошин қараб,  
Харому харишдан ризқин териб,  
Юрувчи исломдан чиқиб қолар!

\* \* \*

Доимо инсонга раҳм-шафқат қил,  
Ҳар ишда ўйланиб сабр-тоқат қил,  
Шафқатда кўп хислат бор деб билгин,  
Яхшилик қилишни одат қилгин!

\* \* \*

Аразлаб юрмагин гуноҳ бўлар,  
Савобинг озайиб гуноҳ тўлар,  
Ҳаттоки очилган гуллар сўлар,  
Билгинки, аразлаш - катта гуноҳ!

\* \* \*

Одамлар молига қасд қилмагин,  
Одамни ўлдириб, бағр тилмагин,  
Бу ишни тириклик деб билмагин,  
Унутма, исломда озор бўлмас!

\* \* \*

Хатолар қилмагин гуноҳинг кўп,  
Гуноҳлаб тилмагин, гуноҳинг кўп,  
Озорлаб билмагин, гуноҳинг кўп,  
Яхшиси яхшилик қилгин савоб!

\* \* \*

Бир-биринг ҳақорат қилма инсон!  
Бир-биринг қалбингни тилма инсон!  
Тухматлаб гуноҳни илма, инсон!  
Усиз ҳам гуноҳинг кўпдир инсон!

\* \* \*

Макр-хийла қилганнинг жойи дўзах!  
Ҳиёнатлаб тилганнинг жойи дўзах!  
Озорлаб билганнинг, жойи дўзах!  
Макр-хийла, ҳиёнат қилма инсон!

\* \* \*

Жангларда аёлларни ҳеч ўлдирманг!  
Жангларда гўдакни ҳеч сўлдирманг!  
Номардлик қилиб сиз қалб тўлдирманг!  
Унда сиз жангларда ютқазасиз!

\* \* \*

Қабристон ичида юрма, инсон!  
Қабристон устида турма, инсон!  
Каттакон қуббалар қурма, инсон!  
Бутунлай текислаб кетма, инсон!

\* \* \*

Меҳмондўст бўлмаган одам ёмон!,  
Юракка ботарлар мисли камон,  
Ҳаммани азоблаб, қўймас омон,  
Яхшиси, ёмондан узоқ юргин!

\* \* \*

Кечаси, бемаҳал юрма, инсон!  
Катта йўл ўртада турма, инсон!  
Кўчада суҳбатлар қурма, инсон!  
Яхшиси кечаси уйда бўлгин!

\* \* \*

Бировнинг мулкига кўз ташлама,  
Ҳасадда ёниб сен, қалб ғашлама,  
Тажовуз қилишлик иш бошлама,  
Тажовуз қилишлик исломда йўқ!

\* \* \*

Билгинки, дунёда тухмат ёмон,  
Тухматдан ҳеч кимса қолмас омон!  
Дўстингнинг бўйнига қўйма бўхтон,  
Билгинки, ёлгоннинг умри қисқа!

\* \* \*

Бировнинг ҳаққини олма зинҳор,  
Хиёнат қилмагин бўларсан хор.  
Бир бурда нонга сен бўларсан зор,  
Хиёнат қилишдан, қилгин сен ор!

\* \* \*

Ҳар ишни ўйлабон пухта қилгин,  
Чиройли қилишни яхши билгин.  
Чиройли, пухта сен, агар қилсанг,  
Шундаким, Тангри дўст тутар билсанг!

\* \* \*

Савдода кўп қасам ичма, ёмон,  
Сотикда кўп қасам ичма, ҳар он,  
Кўп қасам ичишлик қўймас омон,  
Билгинки, ишларинг барбод бўлар!

\* \* \*

Шошилмай қаноат билан иш қил,  
Тоқатли бўлишни олдиндан бил,  
Сабрлилар сўзин назарга ил,  
Сабрлилар ишлари тўғри бўлар!

\* \* \*

Одамлар, Тангридан қўрқиб юринг,  
Ҳалол ризқ топишга тайёр туринг,  
Ҳалоллик ризқ ҳақда суҳбат қуринг,  
Ҳар банда тугатмай, ризқин ўлмас!

\* \* \*

Уйларда ўқисанг намоз бўлар!  
Ҳовли ҳам намоздан нурга тўлар!  
ёмонлик намоздан шул вақт сўлар!  
Мақбара, ҳаммомда намоз бўлмас!

\* \* \*

Тежамкор оила қийналмас ҳеч,  
Меҳнатни қадрлайди, эрта-ю кеч,  
Тежамкор инсонга ошна бўлгин,  
Яшашда қийналмай, ризққа тўлгин!

\* \* \*

Хотиржам бўлишлик, улуғ неъмат!  
Тинчликни улуғлаш, буюк неъмат.  
Баъзилар маҳрумдир улуғликдан,  
Баъзилар маҳрумдир буюкликдан!

\* \* \*

Сабрлик ва бардошлик Тангридан бил,  
Шунинг учун ҳар ишни ўйлабон қил!  
Шошқолоқ бўлишлик шайтондан бил,  
Шошилмай, ўйланиб ҳар ишни қил!

\* \* \*

Тангрига илтижо қилиб юргин,  
Ҳар вақт дилингда сақлаб тургин!  
Шайтонга дўст бўлма, қулоқ илма,  
Шайтонга эргашиб, ҳар иш қилма!

\* \* \*

Ёмонлар уйига ҳеч ким келмас,  
Ҳаттоки ёмонга шамол элмас.  
Меҳмон ҳам қўрқади ёмонлардан,  
Тиллари заҳарли камонлардан!

\* \* \*

Гуноҳлар хотирда қалбни тиғлар,  
Унутмай гуноҳни қалблар йиғлар!  
Яхшилик эскирмай мангу яшар!  
Яхшилар абадий ошин ошар!

\* \* \*

Сен қўрқоқ савдогар бўлма зинҳор,  
Қўрқоқлар бойликдан маҳрум ва хор.  
Сен қўрқмас савдогар бўлгин доим,  
Омаду бойликка тўлгин доим!

\* \* \*

Элингни, халқингни ўйласанг гар,  
Савоблар ишқида ёнсанг агар,  
Еримиз олтиндир, ҳар қарич зар,  
Савобдир, ўзлаштир, кўрик ерни!

\* \* \*

Худойим кимгадир бойлик берса,  
Шу бойлик кетидан ризқин терса,  
Қариндош-уруғ ҳам баҳам кўрса,  
Савобдир, иноят қилиб турса!

\* \* \*

Ҳайвонлар ичида одил қилдинг!  
Ҳайвонлар ичида қодир қилдинг!  
Илму ақл ичраким доно билдинг,  
Эй, Танграм, минг шукур, инсон қилдинг!

\* \* \*

Ота-ю, онани рози қилгин,  
Ҳар сўзин эшитиб, олтин билгин,  
Насиҳат қилсақим, қулоқ илгин,  
Уларким розими?! Худо рози!

\* \* \*

Меросхўр фарзандинг муҳтож қилма,  
Камбағал қолдириб, қалбин тилма!  
Бой ҳолда қолдириб кетган яхши,  
Фарзандинг муродга етган яхши!

\* \* \*

Катталар суҳбатин тингла кунда,  
Ухламай ҳаттоки тингла тунда.  
Катталар эзгулик ишни билар,  
Катталар яхшилик ишни қилар!

\* \* \*

Гар пулинг кўп бўлса, с адақа қил,  
Гар пулинг хўп бўлса, садақа қил,  
Садоқабалониқайтарар бил,  
Яхшилик йўлида садақа қил!

\* \* \*

Имконият яраша ибодат қил,  
Тоқатга яраша йбодат бил.  
Ибодат қилсанг гар, дилинг яйрар,  
Ибодат қилсанг гар, тилинг яйрар!

\* \* \*

Бахиллик яхшига ярашмас бил,  
Шунинг-чун доимо яхшилик қил.  
Ахлоқсиз бўлишлик билгин гуноҳ,  
Бу хислат ортидан чекарлар оҳ!

\* \* \*

Жанглардан қочишлик номард иш,  
Бўхтонлар тўқимас яхши киши.  
Ноҳақ қон тўкмагин гуноҳ бўлар,  
Беғуноҳ, бир инсон ноҳақ ўлар!

\* \* \*

Эзмалик қилмагин ёмон бўлар,  
Атрофинг эзмалар билан тўлар,  
Ширинсўз, хушхулқлар сендан қочар,  
Кўнглини яхшига фақат очар.

\* \* \*

Хотиннинг яхшиси хушхулқ бўлар,  
Эрининг кўзига қувонч тўлар,  
Ёмонлик, ёвузлик доим сўлар,  
Уйлари шодлигу севинч бўлар!

\* \* \*

Яхшилар аёлин хўрламайди,  
Хору зор яшашга зўрламайди.  
Яхшилар аёлин иззат қилар,  
Хўрламай аёлин икром билар!

\* \* \*

Унутма, оҳират ишин зинҳор,  
Ва дунё ишини тарк қилмай бор.  
Яхшилар иккинсин унутмас бил,  
Иккисини эъозлаб, доимо қил!

\* \* \*

Ҳалол касб дунёда яхшидир бил,  
Ҳалол касб ичраким яхшилик қил.  
Ғарибга берсангки кийим, овқат,  
Билгинки, садақа бўлар закот!

\* \* \*

Дўстиннинг қалбини ғашламай юр,  
Ота-ю онангни хўрламай тур.  
Эзгулик ишларга кўнглингни бур,  
Кечирим уч марта сўралар бил!

\* \* \*

Зақотин вақтида адо этса,  
Меҳмоннинг қадрига доим етса,  
Мусибат кўрганга ҳамдард бўлса,  
Билгинки, яхшидир, савоб тўлса!

\* \* \*

Ялтираб, юлтираб юрмасанг ҳам,  
Қимматли кийимда турмасанг ҳам,  
Бойларла суҳбатлар қурмасанг ҳам,  
Билгинки, имондан оддий кийим!

\* \* \*

Дунёда ёмондир, ёмонлик бил,  
Дилдаги ғашликнинг бағрини тил,  
Ҳар кимга яхшилик, омонлик қил,  
Яхшилик барчаси - хушхулқлик бил!

\* \* \*

Яхшилик-нафсинг гар таскин олса,  
Дилинг ҳам оромда яйраб қолса,  
Яхшилик ичраки қалбинг толса,  
Билгингки, яхшилик-катта савоб!

\* \* \*

Тилингни тийиб юр, эй сен инсон,  
Суяги йўқ дебон қўйма ҳар он.  
Суяксиз тил бошга бало бўлар,  
Нодонлар қалблари ғамга тўлар!

\* \* \*

У қўшнинг, бу қўшнинг яхши бўлсин,  
Қўшнилари уйи ҳам нурга тўлсин.  
Ҳам оғир, ҳам хушнуд кунингда,  
Яраса яхшидир, ҳар тунингда!

\* \* \*

Унутма, доимо хайр-эҳсон қил,  
Ҳурматлаб яхшилик қилишни бил,  
Қўл бериб сўрашиб, яйратгин дил,  
Шунда ҳеч қолмайди, сира ғашлик!

\* \* \*

Гоҳида билибми, билмай инсон,  
Гуноҳли ишларни қилар ҳамон,  
Гуноҳлар қийнайди дилни ҳар он,  
Шунинг-чун тавба қил, доим инсон!

\* \* \*

Зулм қилган инсонни кечир доим,  
Гина-ю, қудратни ўчир доим,  
Кечирим сўрашни билгин ўзинг,  
Унутма, изҳор эт, ширин сўзинг!

\* \* \*

Билгингки, гуноҳдир, ўйнаш қимор,  
Ошиқ ҳам ўйнама, тутса хумор,  
Ҳаммомда хуштак ҳам чалма зинҳор,  
Буларнинг барчаси билгин гуноҳ!

\* \* \*

Таҳорат қилма, хароб уйда,  
Таҳорат қилма, ҳар хил уйда.  
Йўлларнинг ўртаси бўлмас зинҳор,  
Дуоинг ижобат бўлмас бирор!

\* \* \*

Ичкилик ичмагин ёмон-ёмон,  
У сени қўймайди омон-омон.  
У сени етаклар дўзах томон,  
Ҳали ҳам кеч эмас, ичма зинҳор!

\* \* \*

## ХОТИМА

Разолат, қабоҳат бўлмасин деб,  
Гуноҳсиз инсонлар ўлмасин деб,  
Ҳадисни пайғамбар дилдан ёзган,  
Ҳадисни пайғамбар тилдан ёзган!

Ҳадисни ёлғон деб, ривоят қилма!  
Ҳадисни ёлғон деб, ҳикоят қилма!  
Ҳадисни ёлғон деб, шикоят қилма!  
Пайғамбар қалбини зинҳор тилма!!!

Дунёда баркамол инсон бўлсин,  
Уйлари эзгулик нурга тўлсин!  
Деб ёзган Ҳадисни мерос қилиб,  
Ёвузлар қалбини дилдан тилиб!

Инсонлар руҳини доим поклаб,  
Юрсин деб инсонлик номин оқлаб,  
Ҳадисни пайғамбар дилдан ёзган,  
Ҳадисни пайғамбар тилдан ёзган!

Илҳом-ла қўлимга қалам олдим,  
Қалбимнинг амрини шеърга солдим!  
Ё Раббим, номингни айтиб борман!  
Шеърят мулкини севган торман!

Номингни такрорлаб ҳар бир шеърда,  
Ё Раббим, айтурман ҳар бир ерда!  
Тилагим шудирки, ер юзи тинч,  
Ҳар миллат кўзида ёнсин севинч!

Ҳадисни ўқиган. мурод етар!  
Баркамол инсонни тарбия етар!  
Ҳадиским, Ватанга, халққа туйғу,  
Қалбингда уйғотар қолмас қайғу!

Адолат ёзилган, Ҳадисларда!  
Ҳақиқат ёзилган, Ҳадисларда!  
Муҳаббат ёзилган, Ҳадисларда!  
Ҳадисни ўқинглар, эй инсонлар!

Розияхон Холхўжаева

# Ҳадислар ҳикмати

Редактор: Қурбон Жўра  
Корректор: И. Валиев  
Тех редактор: М. Ахмедов

Босмахонага 8.01.2002 берилди. Босишга 22.01.2002 рухсат этилди. Формат 68x84 1/16 Хажми 2,2 босма тобоқ. Адади 300.

Ўш шаҳри, АО «Ошоблтипография», Қурмонжон дотҳо 209.

200